

БУҒДОЙ СЕЛЕКЦИЯСИ, ТАРИХИ, БУГУНИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Жўраев Ш., Хайруллаева Қ., Акрамова О., Жумаева З. Ҳакимова З.

Қариши муҳандислик – иқтисодиёт институти

Буғдой Олд ва Ўрта Осиё мамлакатларида милоддан аввалги 7-6 минг йилликларда маълум бўлган. 17 асрдан бошлаб Шимолий америкада экила бошлади. Буғдой Ер шарида шимолда 66⁰ шимолий кенгликда (Швеция), Россияда эса тажриба майдонларида 76⁰44' шимолий кенгликда (Мурманск вилояти), жанубда Австралия, Жанубий Америка, Африканинг Жанубий чегараларигача экилади. Жаҳонда буғдой экиладиган майдонлар 250 млн. гектарга яқин бўлиб, етиштириладиган доннинг қарийб 30% ни ташкил этади.

Ривожланган мамлакатлардаги буғдой экин майдони 63 млн. га, ҳосилдорлик 3,4 т/га, ялпи ҳосил 216,211 млн. тоннани, ривожланаётган мамлакатларда эса, тегишли равишда 103,873 млн.га, ўртача ҳосилдорлик 2,6 т/га ва ялпи ҳосил 275млн тоннани ташкил этади. Ҳамдўстлик мамлакатларида эса буғдой экиладиган ўртача ҳосилдорлик 1,9 т/га тенг.

Республикаимизнинг суғориладиган ерларида 1991 йилда 221 минг гектар майдонга буғдой экилган бўлса, сўнгги йилларда бу кўрсаткич 1,35 млн гектарни, ҳосилдорлик эса 1991 йилда 2,2 т/га ни ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунга келиб қарийб уч баробарга ошди.

Ўзбекистонда қадимда деҳқончиликнинг гуллаб яшнаган жойи ҳозирги Фарғона водийсининг Чуст воҳаси ҳисобланиб, бу ерларда деҳқончилик айниқса бронза даврида яхши ривожланган (Лавронов 1969). Бу ривожланиш эрамизгача бўлган биринчи минг йилликнинг бошларига тўғри келади. Г.А.Лавроновнинг (1969) ёзишича Н.В.Покровский (1930) юмшоқ буғдойнинг 44 та тур хилларини аниқлаб берди. Булардан энг кўп учрайдиганлари қуйидагилардир: *graecum*, *erithrospermum eritroleucon*, *ferrugineum*, *meridionale*, *pseudomeridionale*, *hostianum*, *pseudo-hostianum*, *barbarossa*, *pseudo-barbarossa*, *turcicum*, *pseudo-turcicum*, ва бошқалар.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда буғдойнинг *T.aestivum* L. ва *T.durum* Dest., турлари маданийлаштирилган ва кенг ишлаб чиқаришда экилмоқда.

Ўрта Осиёда топилган буғдой *T.compactum* Host.,(эрамизгача бўлган биринчи минг йилликнинг ярмигача ўстирилган), доира шакли *T.antiquorum* Neeg турлари неолит даврида ва *T.aestivum* L. эрамизгача бўлган биринчи минг йилликнинг иккинчи ярмидан бошлаб, то эрамизнинг биринчи минг йиллиги ярмигача *T.aestivum* L. асосий экин бўлган (Якубцинер, 1970).

Жаҳон қишлоқ хўжалигида баҳорги буғдой кузги буғдойга нисбатан кенг тарқалган. Бунга асосий ғалла етиштирувчи мамлакатларнинг тупроқ-иқлим шароитлари кузги буғдойга нисбатан баҳорги буғдойни етиштириш учун қулайлигидир.

Мамлакатимизнинг табиий-иқлим шароити баҳорги буғдой экишга мослашган. Бундан ташқари буғдой баҳорда тиним даврисиз ўсади ва ривожланади ҳамда бунда экин учун қишки тиним даври керак бўлмайди.

Лалмикор Деҳқончилик институти маълумотларига кўра Малигин В.С. 1913 йилда Самарқанд вилоятининг Катта-қўрғон туманида Зарафшон тажриба даласини ташкил этиб, лалмикор ерлар учун илмий изланишлар олиб борган. Илмий изланишлар даврида Покровский Н.В. раҳбарлигида 1925-1926 йилларда маҳаллий буғдой навлари тўпланиб ўрганилган ва селекция ишлари ташкил қилинган. Изланишлар давомида 1926-1936 йилларда буғдойнинг Псевдотурцикум-2115, Грекум-752 ва Эритроспермум-5755 каби навлари яратилган ва уларнинг бошланғич уруғчилик тизими йўлга қўйилиб, ишлаб чиқаришга кенг миқёсда жорий этилган.

Селекция жараёнида янги буғдой навларини яратиш бўйича 1938 йилдан дурагайлаш ишлари бошланган бўлсада, аммо селекциячи олимлар томонидан 1945 йилгача дурагайлаш кичик ҳажмларда олиб борилган. 1945 йилдан бошлаб селекциячи олимлардан И.М.Юданов, С.Костенко турлараро дурагайлашни кенг миқёсда олиб боришган. Бу вақтда истиқболли маҳаллий навлар ва баъзида бошқа жойлардан келтирилган навлар ҳам дурагайлаш учун асосий манба бўлиб хизмат

қилган. Тажрибалар натижасида эса селекциянер олимлар томонидан буғдойнинг Грекум-240, Грекум-511, Грекум-646 ва Грекум-2449 навлари яратилиб, ишлаб чиқаришда экиб кўпайтириш учун жорий этилган.

Кейинчалик эса, 1976 йилга келиб, "Лалмикорликда деҳқончилик илмий тадқиқот институти"да (ҳозирги вақтда Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Ғаллаорол илмий тажриба станцияси) лалмикор ерларда буғдой бўлими фаолияти жонлантирилган. Бу лабораторияда асосан қимматли биологик хусусиятларга эга бўлган, қурғоқчиликка, касалликларга чидамли, серҳосил навларни яратиш устида илмий изланишлар олиб борилган. Собик Иттифок Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти (ВИР)дан келтирилган баҳорги юмшоқ ва қаттиқ буғдой намуналари ўрганилган.

Вилоятимизда дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти ташкил этилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 10 февралдаги ПҚ-2125 сонли "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2014 йил 13 февралдаги 33-сонли ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб-чиқариш маркази Бош директорининг 2014 йил 14 февралдаги 6-сонли буйруқлари асосида ташкил топди.

1. Бошоқли ва дуккакли экинлар генетикаси, селекцияси, уруғчилиги, уруғшунослиги ҳамда ғалла ва унга издош экинларни етиштириш агротехнологияларининг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда шу асосда илмий-техник маҳсулотлар ишлаб чиқиш филиалнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар филиалнинг асосий фаолияти, вазифаси ва функциялари ҳисобланади:

- қаттиқ ва юмшоқ буғдойнинг юқори сифат кўрсаткичларига эга бўлган, касалликларга ва зараркундаларга чидамли рақобатбардошли янги навларни яратиш;
- минтақаларнинг табиий-иқлим шароитларига жавоб берадиган хорижий ва маҳаллий навларни танлаб олиш ва жойлаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- яратилган бошоқли дон экинлари навларининг бошланғич уруғчилиги тизимини ташкил этиш;
- сув билан етарли таъминламаган ва қурғоқчилик шароитида бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил олиш бўйича илғор агротехнологияларни ишлаб чиқариш.

3. Қуйидагилар филиалнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- илғор технологияларни ва замонавий селекция ютуқларини қўллаган ҳолда сара ва сифатли бошоқли дон уруғчилиги ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- бошоқли дон экинларини етиштиришда органик ва маъдан ўғитлардан, ер ва сув захираларидан оқилона фойдаланишнинг манбаини тежовчи ва тупроқ унумдорлигини сақловчи агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш;
- ғаллачиликда алмашлаб экиш тизимини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот натижаларини амалиётда синаб кўриш;
- ғаллачиликда зараркунанда ва касалликларга қарши ҳимоя қилишнинг уйғунлаштирилган усуллари ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилиш, гербицид, ўстирувчи ва ўсишни созловчи моддаларни синаш ва улардан мақбуллари ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича керакли тавсиялар бериш;
- ишлаб чиқаришда юқори сифатли, серҳосил дон, дуккакли, ем-хашак, техник ва мойли экинлар навларини экишни ташкил этиш, илмий-техник ишланмаларни жорий этиш, ердан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, илғор агротехнологиялар бўйича тавсияномалар тайёрлаш;
- ички бозорни сифатли халқ истеъмоли моллари ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашда иштирок этиш;

Юмшоқ ва қаттиқ буғдой селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси:

-Дунё коллекциясидан нав ва намуналарни Қашқадарё вилоятининг турли тупроқ-иқлим шароитида экиб, уларни хўжалик биологик белгиларини ўрганиш. Селекция учун дастлабки материаллар яратиш;

-Қашқадарё вилояти шароитида касалликлар, зараркунандаларга, ётиб қолишга, тупроқ шўрланишига, қурғоқчиликка, иссиқликка чидамли навларни жаҳон коллекциясидан ажратиб олиб, улар иштирокида серхосил, дон сифати юқори бўлган юмшоқ буғдойнинг интенсив навларини яратиш;

-Қаттиқ буғдойнинг давлат реестрига кирган истикболли навларини буғдойни мамлакатимизнинг жанубий вилоятлари шароитида юқори ҳосил берадиган, касалликларга, зараркунандаларга, ётиб қолишга чидамли интенсив типдаги юқори сифатли макарон, вермишель, лағмон, ёрма, (манная крупа) тайёрлашга яроқли янги навларини яратиш;

Агротехника ва агрокимё лабораторияси:

- Вилоятнинг тупроқ-иқлим шароити, навларнинг биологик хусусиятларига хос буғдой етиштиришда экиш муддатлари, меъёрлари,

- Маъданли ўғитларнинг мақбул меъёрлари ва қўллаш муддатларининг дон ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш.

Физиология ва доннинг технологик сифат кўрсаткичларини аниқлаш лабораторияси:

-Доннинг натураси, шишасимонлиги, дондаги клейковина, оксил микдорини, клейковина сифатини аниқлаб, энг юқори дон сифатига эга буғдой навларини аниқлаш ва уларни дастлабки материал сифатида селекционерларга, ҳамда етиштириш учун фермерларга ўз тавсияларини бериш;

-Ғалла экинларини фотосинтетик, илдиз тизими фаолиятини ўрганиш, ўсимликларни қишга, қурғоқчиликка, иссиқликка, шўрланишга, чидамлигини, сув режимини ўрганиш асосида ҳосилдорлик ва дон сифатини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш лабораторияси:

-Ғалла экинларини касалликлардан, зараркунандалардан, бегона ўтлардан ҳимоя қилишнинг уйғунлашган (интеграл) усулларини минтақа тупроқ- иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш;

-Касалликлар, зараркунандаларга қарши курашда олдини олиш, агротехник, биологик, кимёвий чора-тадбирларни аниқ муддат, меъёрларининг, уйғунлашган ҳолда қўллаш усулларини ишлаб чиқиш ва фермерларга амалий тавсиялар бериш;

-Янги яратилган гербицид, фунгицид, акарицид, инсектицидларни ғалла экинларида синаб кўриш, уларни қўллаш муддатлари, меъёрлари, усуллари, самарадорлиги бўйича фермерларга тавсиялар бериш.

Бундан ташқари филиал маблағи ҳисобидан Ўрта Осиё ва Кавказ орти давлатлари орасида ягона бўлган **“Занг касалликларини таҳлил қилиш”** махсус лабораторияси қурилди ва замоновий совитиш мосламалари, занг спораларини сақлаш морозилниклари келтирилиб, бугунги кунда институтда яратилаётган нав ва линиялар сунъий инокуляция қилиниб, занг касалликларига чидамлиги ўрганилмоқда.

Институтда ўтказилган илмий тадқиқотлар натижасида доннинг сифат кўрсаткичлари юқори, супер эртапишар, шўрга, қурғоқчилик ва иссиқликка, сариқ ва қўнғир занг касалликларига чидамли нав ва линиялар яратилди:

Ғаллачилик селекцияси тарихи минг йилларни қамраб олсада асосий ривожланиш даври ХІ аср охири, ХХІ аср билан боғлиқ. Мустақилликнинг бошланиш даврида мамлакатда 971 000 тонна ғалла етиштирилган бўлса бу кўрсаткич сўнги йилларда мос ҳолда 8-8,1 млн. тоннага етди. Ютуқлар замирида ғалла мустақиллигига эришиш сиёсатини амалга оширишдан илмий ишининг тўғри йўлга қуйганимиз ётади, Бу ўринда ҚДДЭ филиалини ўрни алоҳида. Яна шу томони фахрлики институт раҳбари ҚХФ доктори О.Амалов жамоаси илмий аъзоларининг асосий қисми узимизнинг ҚХМС ва ДИТ кафедрасининг довомий талабаларидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аманов М.А. Водний режим и засухоустойчивость пшеницы и ячменя в онтогенезе в условиях равнинно-холмистой зоны богара Узбекистана. Автореф.Канд дисс. Киев 1966. 24 С.
2. Альтергот В.Ф., Аманов М.А. Некоторые особенности водного режима и засухоустойчивости двуручки и биологически озимых форм пшеницы в условиях богара Узбекистана. Возделывание зерновых и кормовых культур на богаре Узбекистана. Т. 1980, С.67-65.
3. Лавронов Г.А. Ўзбекистон буғдойи. Т: 1972. 152 б.